

«Йўли ободнинг эли обод» нақлига амал қилинаётган сөрқуёш дийримида кейинги йилларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Туртқўли йўлсозлар ҳам бу борада анчагина ютуқларга эришди. Сўнги йилларда туман ҳудудидан ўтандиган барча йўллар сезиларли даражада яхшиланди. Ўтган йилнинг олти ойи мобайнида 19 чакирим магистрал йўллар капитал, 4 чакирим ички йўллар жорий таъмирланди. 65 миллион 325 минг сўмлик ўрта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Йўлсозлар асосий эътиборларини асфальтлаш ишларини сифатли бажаришга, қарама-қарши ҳаракат ўртасидаги ажратувчи минтақа, тўсиналарини бўяш, янгилаш, мустаҳкамлаш, йўналишни курсатувчи, оғохлантурувчи, хабар қилувчи белгиларнинг ўз ўрнида ўрнатилга қаратганлар. Умуман, Туртқўлли йўлсозлар томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойида 553 миллион 281 минг сўмлик ишлар амалга оширилди.

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 19 июл, сешанба № 113 (1954)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 июл кuni Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И хонимни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари мөхмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изхор этди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, деди Ислам Каримов, «Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган самарали ҳамкорлик алоқалари янги поғонага кўтарилиб кетди. Кўп қиррали ҳамкорлигимиз узок муддатли асосда ривож топмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликини кенгайтириш йўлида эришилаётган муваффақиятларга, алоқаларнинг бугунги юксак босқичга кўтарилишида ХХР Раиси Ху Цзинтаоининг ўтган йили Ўзбекистонга, Президент Ислам Каримовнинг жорий йилнинг май ойида Хитойга давлат ташрифлари мўҳим ўрин тутадилар.

Халқаро муносабатларда фаолият кўрсатади. Ижтимоий-маданий алоқалар ҳам мунтазам ривожланиб бормоқда. Хитой вакиллари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, Ўзбекистон фольклор жамоалари Пекинда ўтадиган йиллик халқаро маданият ва сайёҳлик фестивалларида қатнашиб келмоқда. Ўтган йили Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти кунлари бўлиб ўтди. Жорий йилда эса Пекин ва Шанхайда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик борасида 2005 йилнинг майида Тошкентда Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти очилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Пекиндаги Миллатлар марказий университетига эса ўзбек тили бўлими очилди. 2003 йили Цзиньчун провинциясининг Чанчунь шаҳрида буюк ўзбек мусаввири Камолитдин Бехзоднинг ҳайкали қад ростланди. Ўзбекистон билан Хитой сиёсий, ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳам ҳамжиҳат, Террорчилик, экстремизм ва ай

ирмачилик каби муаммоларга қарши курашда савий-ҳаракатлари ўзаро мувофиқлаштириш боришга келишилган. Халқаро тузилмалар, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини диққатга сазовордир. Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг бугунги босқичига юқори баҳо берилар экан, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун ҳали икки мамлакатда имкониятлар кўп эканлиги, алоқаларни ривожлантиришдан томонлар бирдек манфаатдорлиги алоҳида таъкидланди. У И хоним самимий қабул учун Ислам Каримовга миннатдорлик изхор этди. Тошкентда ўтган Ўзбекистон-Хитой бизнес-форуми яқин вақтларда ўз самарасини беришига ишонч билдирди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА)

## ҲАМКОРЛИК БАРЧА СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛанаДИ

Тошкентда Ўзбекистон-Хитой бизнес-форуми бўлиб ўтди

Хитой Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги мўҳим ҳамкорлигидир. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида кўпга йўналишларда бўлгани каби савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистонда хитойлик сармоядорлар иштирокида тузилган юздан зиёд корхона фаолият кўрсатаётир. Юртимизда Хитойнинг 26 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан салкам етмиш фоиз ошди. Бизнес-форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва ХХР Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И мазкур форум мамлакатларини ўртасида турли йўналишлардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришда ҳам аҳамият касб этишини таъкидлашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда қўлай сармоявий мўҳитни шакллантиришга қаратилган кўп қанчалар қаратилган алоҳида ҳаёт этилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда маҳалланинг халқимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги бекиёс ўрнига алоҳида эътибор қаратилган.

## МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Инсон учун энг мунаввар маскан ҳисобланган маҳалла шарҳона демократиянинг тарихий синовларидан ўтган ўзига хос мактаби, ижтимоий адолатга таянган давлатнинг ва кучли фуқаролик жамиятининг асоси сифатида эътироф этилади. Шунинг учун Қонлиқул туманида овул ва маҳалла фуқаролари ҳаётини яхшилаш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатишяпти. Ҳар бир киши учун Ватан ўз хонадонини ва маҳалласидан бошланади. Агар маҳалла тинч бўлса, бошқа жойда ҳам оёсайиштаклик ҳукм суради. Тумандаги «Қусман» овул фуқаролар йиғини фаоллари ҳудудда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, демократик тамойилларни такомиллаштириш, ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, тўй-ҳашамлар ва маъракаларни ортқича сарф-харажатларсиз ўтказишда ташаббускорлик кўрсатишяпти. Асосий вазифамиз халқимизнинг қадимий удум ва анъаналарини асраш ва бойитишга ҳар томонлама қўмақлашиш, кам таъминланган оилалар ва ногиронлар, етим-есирлар, ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш, ҳудуддаги вазиятни тинч ва оёсайишта сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришдан иборат, - дейди биз билан суҳбатда фуқаролар йиғини раиси М.Утегенов. - Турли миллатга мансуб фуқароларимиз катта бир оиланинг фарзандларидек аҳил ва иннок турмуш кеңиришмоқда. Халқимизда «Маҳалла ҳам отанг, ҳам онаг», «Бир болага етти қўшни масъул» деган ибратли нақллар бор. Одамлар ўртасида ташкилий-оммавий, илмий-маърифий ишлар кучайтирилганлиги ижобий самара бермоқда. Ўтган даврда 6900 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган катта ҳудудда биронта ҳам жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилмаганлиги уюшқоқлик ва тинчлик натижасидир. Халқимиз жўшқин меҳнат билан машғул, - суҳбатни давом эттиради овул оқсоқоли. - Аҳолининг асосий тирчиликлиги деҳқончилик билан боғлиқ. «Сари олтин» фермер хўжалиги уюшмасида дон, пахта, шоли, сабзавот, полиз экинларидан юқори ҳосил етиштириляпти. Даромад кўпайиб, деҳқон рўзғорига барака кирди. Ҳар бир оилада сигир, бузоқ, қўй-эчки ва парранда бор. Томорқада етиштирилган маҳсулотдан оила бюджети бойимокда. Овулда қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежи, 3 та умумтаълим мактаби, 2 та болалар боғчаси, шифохона, 2 та қишлоқ врачлик пункти, почта-алоқа бўлими, минибанклар, қўллаб савдо дўконлари аҳолига хизмат кўрсатаёпти. Мулк шакли ўзгариб, тадбиркорлар сафи кенгайди. Шахсий дўкандар, тикувчилик, пойафзал тикшиш ва таъмирлаш, дурадгорлик, темирчилик цехлари, 9 жойда шоли ва ун тегирмонлари ишлаб турибди. Кейинги икки йил мобайнида 50 дан ортқч янги иш ўринлари яратилди. 52 нафар ногирон хомий ташкилотлар ва фермерларга бирктиби қўйилган. 3 нафар иккинчи жаҳон уруши фахрийси, 35 та кам таъминланган оилаларга ярим миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Жисмоний тарбия ва спортга қизиқувчилар сонини ошмоқда. Футбол, баскетбол, волейбол, миллий кураш, шахмат-шақша секцияларида машғулотлар мунтазам ўтказилляпти. Агар болаларнинг брш вақтларини мароқли ўтказишлари учун шароит яратилса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, гитҳвандлик каби жиноий хатти-ҳаракатлар камайди. Нуқс шаридаги «Турон» маҳалласида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилляпти. Ёш спортчилар футбол бўйича маҳаллалар орасида Қоракалпоғистон чемпионлигини қўлга киритган бўлсалар, мамлакат биринчилигида фахрли ўринни эгаллашди. Ботир Яримбетов, Ислам Эшмуратов, Самад Полловон, Жонибек Абдуллаев, Ботир Худойбергенов каби ёш футболчилар ўз маҳоратларини намойиш этиб, жамоа галабаларини мустаҳкамлашга муносиб хисса қўшмоқдалар. Шахмат-шақша мусобақаларида Нуқс шаҳри бўйича биринчи ўринни эгаллашда Абдиқамол Зарипов ва Гулшайм Абдиқамолларнинг хизмати катта. И.ИСОМУДДИНОВ

Учқўприк туманида Вазирлар Маҳкамасининг халқ хўжалиги тармоқлари, аҳолининг газ, сув, электр энергияси сингари коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан қабул қилган қарори ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича, туманда фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, мижозларга қўлайликлар яратиб бериш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Айни кунда туманда коммунал тўловларни назорат қилувчи 16 та ишчи гуруҳ иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, 4 та мини банк, 17 та почта ва 12 та халқ банки шохбчалари ишлаб турибди. - Электр энергияси билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда электрон ҳисоблагичларнинг ўрни катта, - деди Учқўприк тумани электр тармоқлари корхонаси раҳбари Зокиржон Пулатов. - Жорий йилнинг ўзида тумандаги «Қуммозор» қишлоғига 286 та электр ҳисоблагичлар ўрнатиди. Таҳлилларга кўра бундан натижасида электр энергияси сарфи 50-60 фоизга камайди. Суратда: диспетчер-набзорчилик бўлимида. Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат



**Тайвандаги йирик муҳолиф партия - Гоминданнинг раҳбари ўзгарди. 16 июл кuni ўтказилган сайловда Тайбэй шаҳри мэри Ма Инцзю ўзининг рақиби - парламент спикери Ван Цзинлидан устун келиб, партиясига раҳбар этиб сайланди.**

Ма Инцзю - Тайвандаги обрўли сиёсатчилардан. Энг мўҳими, у оролнинг Хитойга қўшилиши тарафдоридир. Кузатувчиларнинг фикрича, энди Тайбэй мэри 2008 йилда бўладиган президент сайловида асосий номзодлардан бирига айланади. У ғалаба қозонса, Гоминдан партияси оролда яна етакчилик мақомини қўлга киритиши аниқ. Гоминдан партияси салкам олтими йиллик тарихга эга. Ўтган асрнинг ўртасида Хитойда гоминданчилар коммунистларга қарши курашган. Лекин 1949 йилда мағлубиятга учрагач, оролга қочиб ўтган ва у ерда ўз мазмуриятини ташкил қилган эди. Бу партия Тайван мазмуриятини 2000

## МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд неча асрлардан бери ўзининг бой тарихи, қўнча обидалари билан етти иқлим сайёҳларини ўзига мафтун этиб келмоқда. Ҳар йили минглаб хорижликлар бу қадимий ва навқирон шаҳарга ташриф буюриб, олам-олам таассуротлар билан ўз юртиларига қайтадилар. Бу эса, ўз-ўзидан туризм тизимини халқаро андозалар даражасига кўтаришини, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришини талаб этади. Шаҳардаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейида Самарқанднинг ўтмиши ва бугуни, халқимизнинг урф-одатлари ҳамда тарихий обидалари билан хорижлик мөхмонларни янада чуқур таништириш мақсадида «Самарқанд-турист» ахборот маркази иш бошлади. - Шаҳар ҳақидаги барча маълумотлар марказда тўпланиб, ичмам буклетлар, рангли суратлар шаклида мөхмонларга етказилляпти, - дейди марказ раҳбари Дилфўруз Абдуллаева. - Бундан ташқари, марказда ёшларга япон ва инглиз тиллари ҳам ўргатилляпти. (ЎЗА)

## Шарҳловчи минбари

Қўшилмаслик гоёсига қарши бўлган бошқа партияларнинг чнома йўллаб, орол билан материк ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун Хитой раҳбарияти билан ҳамкорлик қилишга тайёрлик билдирди. Хитой Тайванни ўз ҳудуди деб билади ва мамлакат яхлитлигини сақлаб қолиш тарафдоридир. Агар орол мустақиллик эълон қилса, Пекин унга нисбатан ҳарбий куч ишлатиши ҳам мумкин. Хитой ҳукумати Тайван мазмуриятини шундан оғохлантирган. Лекин вазият у даражага бориб етмаса керак. Қолаверса, навбатдаги президент сайловида Гоминданнинг янги раҳбари ютиб чиқса, Тайван Хитойга қўшилиши эҳтимолдан холи эмас. (ЎЗА)

## Тахририятга хат

# АВВАЛО СОҒЛИҚ КЕРАК

Бўлимимиз шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ таълими, касб-хўнар таълими бошқармалари ҳамда «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан мунтазам шуғулланмоқда. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртиларида Президентимизнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишланган тантанали йилгида «Соғлом халқ, соғлом миллатига буюк ишларга қодир бўлади» маърузасида баён этилган вазифалар асосида аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Маҳалла ва қишлоқларда оила тиббий маданиятини ошириш, жисмоний соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашни яхшилаш мақсадида «Соғлом оила» тарбиявий-маърифий лойиҳаси амалга ошириляпти. Ўқувчилар, ота-оналар, педагог ва тарбиячилар учун «Шахсий гигиена ва санитария қоидалари», мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган «Саломатлик алоҳида» ва бошланғич синф ўқувчилари учун «Саломатлик дарслари» ўқув қўлланмалари чиқарилди. Аҳоли кенг қатламига мўлжалланган соғлиқни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, гитҳвандлик ва алкоғолизм, тамаки чекиш ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган қўрғазмалар қўлланмалар, видео ва радио роликлар, буклетлар, плакатлар, рисоалар, эслатмалар, мультимедия воситалари тайёрланди. Институтимиз мутахассислари «Репродуктив саломатлик» маркази ходимлари иштирокида Урганч шаҳрининг «Навбахор» маҳалласи, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртиларида «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан биргаликда қатор мавзуларда суҳбатлар уюштирилди. Оммавий ахборот воситалари орқали «Соғлом бўлинг», «Фарзандлари соғлом юрт», «Заҳирадаги спортчи», «Соғлом бўлсам - полвон бўламан», «Маҳалламиз стадиони», «Умид юлдузлари» мавзуларида мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар ёритилмоқда. А. МАШАРИПОВ, Республика «Саломатлик» институти Хоразм бўлими директорининг ўринбосари



# МЕХНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**САВОЛ:** Мехнатга қобилиятсизлик нафақасини қимларга қанча миқдорда тўлашни ва қайси ҳолатларда тўланмаслиги тўғрисида маълумот берсангиз.

**Ш.ЭРГАШЕВ,**  
Косон тумани Марказий шиқоҳона касабаяушма кўмитаси раиси

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари Марказий банк ва Давлат солиқ кўмитаси ҳамда Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғи билан Давлат ижтимоий сугуртага буйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган. Ушбу Низом 2002 йилнинг 8 май ойида Ўзбекистон Адлия вазирлигидан 1136-сон рўйхат билан тасдиқланган. Бу Низомга асосан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги ҳолларда берилди:

- а) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда;
  - б) санаторий-курортларда даволанганда, агар асосий ва қўшимча таътил ҳодимнинг санаторийда даволаниши учун етарли бўлмаса;
  - в) касалланган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда;
  - г) карантин даври;
  - д) сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;
  - е) меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) куйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.
- Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади. Бу нафақа иш стажининг давомиийлигидан қатъий назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорига куйидагиларга тўланади:
- ишлаётган II жаҳон уруши қатнашчиларига;
  - байналмилал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;
  - қарамоғида 16 ёшга (ўкув-ҳайрат 18 ёшга) етмаган уч ва ундан ортқи болалари

бўлган ҳодимларга;  
Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ҳодимларга;  
Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив инфозсланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ҳодимларга;

СПИД, мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ҳодимларга улар томонидан давлат ижтимоий сугурта бадали тўланган даврининг (умумий иш стажининг) давомиийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги миқдорларда тўланади:

- а) умумий иш стажининг 8 йил ва ундан ортқи бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 100 фоизи миқдорига;
- б) умумий иш стажининг 5 йилдан 8 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 80 фоизи миқдорига;
- в) умумий иш стажининг 3 йилдан 5 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 60 фоизи миқдорига;
- г) умумий иш стажининг 1 йилдан 3 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 40 фоизи миқдорига;
- д) умумий иш стажининг 1 йилдан 1 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 20 фоизи миқдорига;

Юқоридики кўрсатиб ўтилганлардан ташқари ҳодимларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги миқдорларда тўланади:

- а) умумий иш стажининг 8 йил бўлган ҳодимларга ҳамда 21

ёшга етмаган чин (сағир) етимларга – иш ҳақининг 80 фоизи миқдорига;

- б) умумий иш стажининг 8 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 60 фоизи миқдорига;
- в) умумий иш стажининг 5 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 40 фоизи миқдорига;
- г) умумий иш стажининг 1 йилдан 5 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 20 фоизи миқдорига;

Юқоридики кўрсатиб ўтилганлардан ташқари ҳодимларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги миқдорларда тўланади:

- а) умумий иш стажининг 8 йил бўлган ҳодимларга ҳамда 21

ёшга етмаган чин (сағир) етимларга – иш ҳақининг 80 фоизи миқдорига;

- б) умумий иш стажининг 8 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 60 фоизи миқдорига;
- в) умумий иш стажининг 5 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 40 фоизи миқдорига;
- г) умумий иш стажининг 1 йилдан 5 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 20 фоизи миқдорига;

Юқоридики кўрсатиб ўтилганлардан ташқари ҳодимларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги миқдорларда тўланади:

- а) умумий иш стажининг 8 йил бўлган ҳодимларга ҳамда 21

ҳақининг 60 фоизи миқдорига;

- б) умумий иш стажининг 8 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 60 фоизи миқдорига;
- в) умумий иш стажининг 5 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 40 фоизи миқдорига;
- г) умумий иш стажининг 1 йилдан 5 йилгача бўлган ҳодимларга – иш ҳақининг 20 фоизи миқдорига;

Юқоридики кўрсатиб ўтилганлардан ташқари ҳодимларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги миқдорларда тўланади:

- а) умумий иш стажининг 8 йил бўлган ҳодимларга ҳамда 21

жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда; гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида касалликка чалинганда, жароҳатланганда;

- суд қарори асосида мажбурий даволашга юборилганда (руҳий касалликлардан ташқари);
- ҳибсада бўлган вақтида; суд-тиббий экспертизадан ўтиш даврида.

Нафақалар ҳодимнинг иш жойидан қорхонанинг ижтимоий сугурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вақил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссия бўлмаган қорхонада нафақалар иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вақил қилинган шахс томонидан тайинланади.

Агар ҳодим вақил қилинган ижтимоий сугурта комиссияси аъзоси томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлса, у бу масалада туман ва шаҳар солиқ органларига ва ижтимоий таъминот бўлимига шикоят қилиши мумкин. Ҳодим нафақаларини нотўғри ҳисоблаш ва белгиллаш ҳамда тўлаш устидан туман, шаҳар судига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

# МЕРОС БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШ ТАРТИБИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Дилором Ҳатамова жавоб беради

**САВОЛ:** мерос билан боғлиқ ишларни судда кўриш тартиби ҳусусида маълумот берсангиз.

**С.СУЛТОНОВА,**  
Тўртқул тумани

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иктисодиётининг негизини ташкил қилган турли мулк шакллари тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишининг қафолатлаб берилиши мамлакатимизда мулк ва мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи объектлардан бири мерос ҳуқуқи давлат ҳимоясида эканлиги эътироф этилади, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва эркин-

ликлари кенгайтирилди.

Шу муносабат билан 1997 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритилган Фуқаролик кодексининг (1112 - 1157 моддаларида) мерос қонунчилигига ҳам жиҳдий ўзгаришлар киритилди. Ушбу Қонунларни қўллашда нафақат суд амалиётида балки фуқароларнинг мерос билан боғлиқ низоларида ҳам айрим тушунмовчилик ва муаммолар кўтариб чиқилдики, оқибатда мазкур Қонун моҳиятини атироғича ёритиб беришни тақозо этувчи ҳамда судларга тегишли тушунтириш кўрсатмалар жамланган Республикаимиз Олий суди Пленумининг "Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унда юқоридики баён

этилган тушунмовчилик ва муаммоларнинг ечимини ўз аксини топган бўлиб, судлар учун улар томонидан мерос билан боғлиқ фуқаролик ишларининг судда кўрилишида дастуриламал мавқега эга.

Ворислик ҳуқуқи институти Фуқаролик кодексига мукаммал ёритилган бўлиб, мерос тўғрисидаги низолар бўйича ишлар судларда умумий даъволар тартибда ишни кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозимдир.

Бундай турдаги даъволар бўйича барча меросхўрлар тегишлилиги бўйича даъвогар ёки жавобгар сифатида ишга жалб қилинишлари шарт, шу ўринда мазкур даъволар билан манфаатдор шахс мерос мулки жой-

лашган ҳудуддаги ёки мерос очилган жойдаги туман (шаҳар) туманлараро судига мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтириш керак.

Ишни суд мажлисида кўришга тайёрлашда, судья ФПКнинг 158, 159-моддалари талабларини тўлиқ бажариши керак, яъни уларнинг ҳуқуқий муносабатларини, ишни кўришда амал қилиши лозим бўлган қонунни, тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни аниқлаши, ишга қўшимча жавобгар ҳамда учинчи шахсларни жалб қилиши, далиллар тўплаш доирасини аниқлаши зарур.

Ворислик ҳуқуқи бўйича меросхўрлар судга меросхўр деб топиш ва мерос мол-мулкни бўлиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ва мерос мулкни бўлиш, васият қолдирувчининг муомалага лаёқатсизлиги оқибатида қолдирган васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрнинг васиятномани

ҳақиқий эмас деб топиш ва мерос олиш ҳуқуқи ҳамда мерос қолдирувчининг қарзларини мерос ҳисобидан ундириш тўғрисидаги даъволари билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Мерос қонунчилиги бўйича мерос талаб қилиш учун муддат татбиқ этилмайди.

Судлар томонидан бу тоифа ишлар кўрилишида авваламбор мерос низои субъекти бўйича тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг мукамаллиги аниқлашиши, ақс ҳолда эса уларни судлар томонидан талаб қилиб олиш чораларининг кўрилиши шарт.


Шунингдек, судлар томонидан мерос мулкдан меросхўрларнинг улушини белгилашда фозис ҳисобидан эмас, балки қисим-улушларда ҳисоблашлари лозим.

Алқисса, мерос билан боғлиқ низоларни ҳар тарафлама тўлиқ, ҳолисона ва синчковлик билан кўриб, амалдаги қонун талаблари доирасида қабул қилинган қарорларга адолатли ва тўғри ҳисобланади.



У ҳар соатда 800 минг киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Станцияда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини маълум қисмини яқин орада қўшни мамлакатларга экспорт қилиш ҳам кўзда тутилмоқда. Улкан курилиш ишларида кўплаб хориж мамлакатларида тайёрланган ускуналар ишлатилди. Шунингдек, хорижлик ишчилар ҳам бунёдкорлик ишларида ақиндан ёрдам бердилар.

**Суратларда:**  
Нуристон шаҳрининг бугунги кўринишлари.  
Ш. ШАРПОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



**Суд залида юм-юм йиғлаётган жиноятчини кўрганмисиз? Мен кўрдим. У юзини қўллари билан беркиртиб нимагаридир пичирлаб йиғларди. Эҳтимол, қилмишидан надомат чекаётгандир... Ниҳоят, ҳукм ўқилди.**

... Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддасига асосан Алимов Умид Фуломовичга тайинланган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил ўташлик учун 18 (ун саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 7-моддаси «б» бандига асосан Алимов Умид Фуломовичга тайинланган жазонинг ўталмаган қисмининг тўртдан бир қисmini қисқартирилсин.

Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Олмалик шаҳрида яшовчи Умид Алимовнинг охири пайтларда текканга тегиб, тегмаганга кесак отишдан бошқа юмуши қолмайдди. Шундай қонларнинг бирида у эски таниши Зафар Жўраевни учратиб қолди. Дўстлар йўл бўйида жойлашган пивоҳонада ўтириб роса ичишди. У

# ДЎСТ КЎКСИГА САНЧИЛАН ТИГ

бир-бирларини кўрмаган оғайнилар учрашувни нишонлаш учун кўча бошида жойлашган «Покиза» кафеда бозорда жамий қўришди. Бу орада бир ишга ароқ ичилди. Йиғитлар секин ўринларидан туриб, йўл-йўлаккай суҳбатлашиб борардилар. Сигарет тутиш баҳонада йўл ёқасидаги ўриндиқлардан бирига ўтиришди. Шу пайт тўсатдан Умид гойиб бўлди. Бироз вақт ўтгач, у 4 шиша пивонни қўлтиқлаб келди. Тўрттовлон муздек пивони ичиб, ҳовулларини босишди.

— Энди бизга руҳсат, касалхонага ўтишимиз керак, — деди Алижон За-

фарни ҳам олиб кетиш нияти борлигини кўриб ўтди. Зафар эса Умиднинг кайфи борлигига шайма қилиб, уни уйига жўнапти, кейин кетишини айтиди. Буни эшитган Умиднинг фиғони фалакка кўтарилди.

— Мени ким деб уйлаяпсан?! Зафар мен билан қолади, — деб Алижонни ҳақорат қила бошлади.

Тортишув узок давом этди. Умиднинг борган сари вазоҳати кўркинчи тус олиб борарди. У шу орада жойлашган кафега кириб, у ерда қанча сотаётган кишидан тарвуз сўйиш учун пичоқ бериб туришини илтимос қилди. Аслида унинг кўнглини гўё қора булут сингари ёвузлик қоплаб олганди. У қуролни сездирамаслик учун ўнг қўлининг орқа томонига яшириб ва шерикларидан 15-20 метр нарида тўхтади.

— Бери кел, Али, — деб удағайлади. — Мен сенга қилмигини кўрсат-

тиб қўяман.

Кизишиб турган йиғит ҳам оқибатини уйламай унга шер каби ташланди. Шу пайт Умид шерига пичоқ ўқатди. Али ўзини ҳимоя қилиш учун орқага тисарилаётганда пичоқ унинг чап қўлини кесиб юборди. Бу ҳолатни кўрган Зафар дарҳол уларни ажратиш учун орага тушди.

— Зафар, сен қўшилма, — бақирди Умид.

— Уни ўлдириб қўясан-ку, — Зафар Умидни маҳкам қучоқлаб орқага тортиди. Аммо Умиднинг кўзи аллақачон қонга тўлган. У теъдда ўзини ўнглаб, пичоқни дўстининг кўрагига санчиб юборди...

Жиноятнинг катта-кичиги, шакл-шамойили бўлмади. Қонунга зид ҳар бир хатти-ҳаракат жиноят, деб баҳоланади. Шунга яраша жазо берилди. Аммо бу билан виждон азобидан қутилиб бўлармикан?

**Р.ЖЎРАҚУЛОВА,**  
«Ишонч» мухбири

**Бетакорор гўзалликка бурканган масканларда ёзги мавсум давомида болажонларимиз мазмулли хордик чикариб, саломатликларини тиклашмоқда. Ана шундай масканлардан бири «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳидир.**

Мазкур оромгоҳ ҳар йилгидек мавсум бошида қўчоғига олди. Бугунги кунда бу ерда иккинчи навбат болалари дам олмақда. Улар саломатликларини мустаҳкамлашлари учун шарт-шароит яратилган. Барча қулайликларга эга бўлган шинам ётоқ қорпуслари, ажойиб сузиш ҳавзаси дам олаётганлар ихтиёрида.

— Маънавият ва маърифат» хонаси болажонлар билан доимо гавжумлиги бизни қувонтиради, — дейди ушбу бўйраётган Бекпошша Улмухаммадова. — Улар мамлакатимиз тарихи ва бугунги оид адабиётлар, бадий китобларни мўлақка қилиш билан бирга атоқли ёзувчи ва шоирлар, оромгоҳ жойлашган ҳудудда яшаётган машҳур кишилар, бой ҳаётий тажрибига эга бўлган инсонлар билан ташкил этилаётган қизиқарли учрашув ва суҳбатларда иштирок этидилар. Бу ерда матбуот маркази

ҳам ташкил этганмиз. Дам олиш маскани ҳаётидаги янгиликлар дам олувчиларга етказилмоқда. Чунки оромгоҳда ҳар кун бир янгилик — турли спорт мусобақалари, турнирлар, куй ва рақс кечалари...

Дарвоқе, оромгоҳда ҳар йили футбол бўйича «Пахтакор-79» хотира турнирини ўтказиш аънаънага айланган. Ушбу спорт тадбирини марҳум пахтакорчиларнинг оила аъзолари, таниқли спорт усталари, соҳа мутаассаддилари қатнашади. Мусобақа сўнггида болалар томонидан тайёрланган ажойиб концерт дастури намойиш этилди.

— Соғломлаштириш масканимиз доимий рившида

намунали оромгоҳлар сафидан жой эгаллаш учун «Алгоритм» хиссадорлик жамияти раҳбарияти ва касабаяушма кўмитаси бор имкониятни ишга солмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Йўлчибой Раҳимжонов. — Оромгоҳ санаторий туридаги бўлганлиги учун болалар 6 маҳал оватлантирилади.

Таомларнинг дармондориларга бой бўлишига алоҳида эътибор берилди. Болажонларнинг ҳар томонлама баркамол, ҳам жисмонан, ҳам маънан етук инсонлар бўлиб етишишлари мақсадида маданий-маърифий, маънавий, тарбиявий тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Соғ тамда — соғлом ақл. Зеро, жисмоний тарбия ва спортнинг киши саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқеъсдир. Шунинг учун ҳам оромгоҳда дам олувчиларни спортга

спорт мусобақалари ташкил этиляпти. Масалан, 10 йилдан бери бу ерда қизлар ўртасида аънаъанвий волейбол турнири ўтказиб келинмоқда. «Олимпия умидлари» ширин остида ўтказилаётган мусобақада республикамиз вилоятларидан ташриф бурган жамоалар қатнашмоқда. Бу йилги турнирда мезлобонларнинг икки жамоасидан ташқари Самарқанд, Хоразм, Навоий, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари голиблик учун баҳс олиб борди.

**М.УРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби

**Исод**

Қадимий «Буюк ипак йўли»да жойлашган Таллимаржон шаҳри яқинида — бийдек чўл бағрида Нуристон шаҳрининг қад ростилаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Айни пайтда Осиёда энг йирик иссиқлик электр станцияларидан бири ҳисобланмиш Таллимаржон иссиқлик электр станцияси мамлакатимизга нур тарқатишни бошлади.

## Сурдарёда болалар ёзи қандай ўтаётти?

# БИР ЖОЙДА ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Республикамизда сўлим ва хушманзара масканлар кўп. Сурдарё вилоятининг «Мехнат» станцияси ҳудудига жойлашган оромгоҳлар ҳам болаларнинг энг севилими масканларидан бири ҳисобланади. Уларда ҳар йили юзлаб ишлар мириқиб хордик чикариб, олам-олам таассуротлар билан уйларига қайтишадди.

Бугунги кунда ҳудудда тўрт туман агросаноат мажмуи ҳодимлари касабаяушма кенгашларига қарашли оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда. Туман ҳокимликларига раҳмат, оромгоҳларни сифатли таъмирлашдан тортиб, керакли жихозу идиш-товоқлар билан таъминлашга бўлган барча ишларга бош-қош бўлибди.

Албатта, қолган ташкилий ишлар, шу жумладан, ажратилган йўлнамалар асосида болаларни оромгоҳларга жалб қилиш, дам олиш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш касабаяушмалари зиммасида. Шу нуктага назардан қарайдиган бўлсак, Сайхунобод туманига қарашли «Бургутча», Гулистон туманига қарашли «Турон» оромгоҳларида иш шу куннинг талаблари даражасида ташкил этилаётти, дейиш мумкин. «Бургутча» оромгоҳида биринчи навбатнинг ўзида режадаги 100 ўринга 105 болани дам олдиришга аришилган. Иккинчи навбатда 107 бола хордик чикармоқда. Шуниси характерлики, ҳар икки навбатда дам олувчиларнинг 88 нафарини «Мехрибонлик уйи» тарбияланувчилари ташкил этиди. «Турон» оромгоҳида эса биринчи навбатда 98 бола хордик чикарган бўлса, иккинчи на-

вбатда бу кўрсаткич 106 нафарга етказилди. Шундан 20 нафари Гулистондаги «Мехрибонлик уйи» тарбияланувчиларидир.

Афсуски, бошқа болалар оромгоҳлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Жумладан, агросаноат мажмуи ҳодимлари Сурдарё туман кенгаши ҳисобчисини А.Элчибеовани айтишича, Назарбек Хайдаров номли оромгоҳни таъмирлаш, бекам қўст жиҳозлаш ва идиш-товоқлар билан таъминлашда туман ҳокимлиги томонидан қатта ёрдам кўрсатилган. Таассуфки, шундай бўлса-да, оромгоҳга болаларни жалб этиш режаси биринчи навбатда ҳам, иккинчи навбатда ҳам бажарилмаган. Биринчи навбатда 88 нафар бола дам олдирилган. Оромгоҳ раҳбари Марҳаб Юлдошевнинг айтишича эса, биринчи навбатда 70 нафар ўғил-қиз дам олдирилган бўлса, иккинчи навбатдан ундан ҳам кам — 68 нафар бола соғломлаштирилган, холос. Ваҳоланки, иккинчи навбатда 100 нафар бола хордик чикариши режалаштирилган эди. Касабаяушма кенгаши ҳисобчисини ва оромгоҳ раҳбари келтирган ушбу рақамлар ўртасидаги номунособлик — болалар сонининг биринчи қўст, биринчи кам кўрсатилиши кишини ажабланти-

риши табиий. Ёки ҳисоби оромгоҳда хизмат кўрсатаётган 18 нафар кишини ҳам қўшиб ҳисобладимизкин? Юрт келажаги бўлган фарзандларимизнинг оромгоҳга етарли жалб этилмагани эса тармоқ касабаяушма туман кенгашининг муҳим ишга эътиборсиз қараётгани, вилоят кенгаши назоратни суъайтириб юборганидан бошқа нарса эмас.

Хайриятки, туман халқ таълими бўлими ва тармоқ касабаяушма кенгашига қарашли болалар оромгоҳидаги аҳвол бизни хушнуд этди. Чунки Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича республика доимий комиссия баённомаси ва вилоят ҳокимининг 2005 йил 9 апрелдаги қарори талаблари асосида касб-хунар коллежи қошида ташкил этилган оромгоҳда барча ишлар қўнгилдагидек ташкил этилган. Оромгоҳга режада қўйилган болалар жалб қилинган. Қолаверса, бу ерда ўтказилаётган «Келинг, бир қулайлик» дам олиш дастури, «Йўла, изла, топ» викторинаси, «Эртақлар олимпиади», «Еш истеъдодлар», «Бехоз довомчилари» сингари тематик кечалар, «Сув ҳукмдори — Нептун кўни», «Елгончилар кўни», «Энг ишончлилар» куриқтановлари, қизиқарли саёҳатлар ва спорт мусобақалари дам олувчиларда унутилмас таассурот қолдириши шубҳасиз.

**Я.САРИЕВ,**  
«Ишонч» мухбири

“Чортоқ” болалар ситхатгохи юртимиздаги ёш авлод саломатлигини мустақамловчи доврўкли маскан ҳисобланади. Бу ерда республикамизнинг ҳамма бурчагидан ўғил-қизлар келиб даволанишади. Айни дамда ситхатгоҳда 330 нафар бола соғломлаштирилмоқда. Даволанувчилар учун барча шароит муҳайё этилган. Малакали шифокорлар замонавий тиббий ускуналар ёрдамида беморларга аниқ таъхис кўйиб, касалликни тузатиш учун бор кучини аямаяпти. Фарзандлар жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида ўзларини чиниқтиришмоқда. Шифо масканида даволаш билан бирга болалар мактаб дастури асосида ўқитилади. Бунинг учун педагог ва тарбиячилар сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

**Суратларда: ситхатгоҳ ҳаётидан лаҳзалар. И.ХАСАНОВ олган суратлар**



**Спорт — соғлом авлод хизматида**

**Кейинги йилларда Қашқадарё вилояти аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Воҳа вакилларининг халқаро ва мамлакат миқёсидаги беллашувларда, жаҳон биринчилиги мусобақаларида юқори натижаларга эришаётганлиги фикримизнинг яққол далили. Шаҳар ва туманларда, қишлоқ жойларида ўндан ортиқ жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт мажмуалари, замонавий ўйингоҳлар, теннис кортлари бунёд этилди. Яқинда Қарши шаҳрида 69 миллион сўм маблағ сарфланиб, бадий гимнастика зали қурилиб фойдаланишга топширилди. Зал 5 миллион сўмликдан зиёд спорт анжумлари билан жиҳозланди.**

Халқимиз орасида «Кичик олимпиада» деб аталадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари мамлакатимизда ватанга садоқатли, кучли ва матонатли авлод вояга етаётганлигини яна бир қарра намойиш қилди. Бу спорт анжуманида 155 нафар қашқадарёлик ўғил-қиз иштирок этди. Улар спортнинг 13 тури бўйича ўзларининг куч ва маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказиб, соғвириндорлар қаторидан ўрин олишди.

Бир ҳафта давом этган нуфузли мусобақаларда вилоят талаба ёшлари 3 та олтин, 4 тадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллашди. Бу кўрсаткич 2001 ва 2003 йилларда ўтказилган «Баркамол авлод» мусобақаларидаги қараганда жиддий силжишларга эришилганидан далолат бериб турибди.

Мусобақаларда шохмочилар муваффақиятли қатнашдилар. Қарши муҳандислик - иқтисодиёти институти қошидаги лицей-интернат талабаси Сарвар Рўзиев ва футбол, волейбол, бадий гимнастика, оғир ва енгил атлетика соҳаларини ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаяпти. Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳамма қўлайликлар яратилган. Коллежлардаги спорт майдончалари ва заллари моддий-техник жиҳатдан мустақамланган. 62 та спорт иншооти тўлиқ таъмирдан чиқарилди. 39 та касб-хунар коллежга янги спорт жиҳозлари олиб берилди. Айни пайтда 25200 нафар ўғил-қиз турли секцияларда қатнашиб, ўзларининг маҳоратларини оширмоқдалар.

Талабалар орасида Сарвар Рўзиев, Фозил Холбозоров, Фазлидин Мейлиев сингари моҳир курашчи-

лар, Нодира Нодиржоновадек шохмочилар, Баҳодир Раҳимовдек чаққон енгил атлетикачилар бор. Қолаверса волейболчилар Самарқанда, баскетболчилар Андижонда, оғир ва енгил атлетикачилар Бухорода бўлиб ўтган мусобақаларда совринли ўринни эгаллашиб, имкониятлар бунданда юқори бўлишигига умид уйғотишди.

Ўтказилган оммавий му-

**ИМКОНИЯТ БОР  
ҲАММА ҒАП ИСТЕЪДОДНИ  
ЮЗАГА ЧИҚАРИШДА**

собақалар бутун мамлакатда бўлгани каби қашқадарёлик ўғил-қизлар ҳаётида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш орқали соғлом ҳаёт тарзи шакллантирилганлиги қўрсатди. Шунинг билан бирга касб-хунар коллежлари, академик лицейларда спортнинг ҳамма турларида ҳам етарли даражада эътибор берилмаётганлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Демак, ўтказилган беллашувларнинг натижаларини сарҳисоб қилиб педагогик жамоалар ва мураббийлар эътиборини моҳир спортчилар бўлиб етишиши учун ёшларни танлаб олиш ва мамлакатнинг спорт учун муносиб ворисларни тарбиялашга қаратишлари керак.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг навбатдаги мусобақалари 2008 йилда қорақалпоқ заминидан бўлади. Вилоят маданият ва спорт ишлари, ўрта махсус, касб-хунар таълимий бошқармалари эришилган натижалардан тўғри сабоқ чиқариб олиб, жамоаларда оммавий спортнинг роли ва аҳамиятини оширишлари, ёшларга ўз қобилияти ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун кенг имконият яратиб беришлари даркор.

ЁЛКИН

**Орамиздаги одамлар**

**Ярим кечада дарвоза тарақлаб қолди. «Раҳимахон, ҳой Раҳимахон...» дея овоз келарди тўхтовсиз.**  
**Кўча эшикда жағига сочиқ босган, тўхтамай инграётган қиз билан катта ёшдаги аёл турарди.**

**НАЖОТКОР**

Жон болам, узр, бе-маҳал келдик, қизимнинг тиши безовта қилаяпти. Узимиз билганимизча малҳам қилдик, ҳеч оғриқ қолмаяпти, тонг отишига сабр-тоқат қилолмадик, — деди онахон.

Холажон, мен ҳозир чиқаман, — деди-да илдам изига қайтди. Ярим тунда тиш шифокори хонасининг чироғи ёнди. Дўхтур ўзига керакли асбобларни олиб, ишга киришди.

Иноятхон кўрқув ичидан кўзларини чирт юмди, лекин оғриқни сезмади ҳам. Шифокорнинг «Ҳаммаси ўтди-кетди, энди қийналмайсиз», деган сўзидан сўнг кўзини очди. Жони ором олгандай бўлди. Енида юрак ҳовучлаб турган онасининг қувонганини айтмайсизми!

Бекобод туманидаги «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган маҳаллаларда 17 минг аҳоли истиқомат қилади. Раҳимахон Болтабоева мана 19 йилдирки эл соғлиғи йўлида сидқидилдан ишлаб келаётир.

Ғоҳида ширин уйқудан, баъзида меҳмондорчилик, тез-тез дам олиш кунларидаги ҳордиқ соатингиздан воз кечишга тўғри келади, — дейди олий тоифали шифокор. — Одамларга нафим тегаётганидан, уларнинг дардида маҳлам бўлаётганидан фахрланаман.

12-қишлоқ врачлик пунктидаги мазкур тиш даволаш бўлимига ўтган йилнинг ўзида 7800 нафар бемор муружаат этди. Ши-

фокор Раҳимахон Болтабоева, ҳамшира Гулчехра Ҳамроқулова бор билим ва маҳоратларини қишлоқ-дошларнинг дардига малҳам бўлишга сарфлаб келмоқдалар. Ширинсуханликлари, касбига меҳр кўйиб ишлаётганликлари боиси қишлоқ хўрматини қозонишмоқда.

— Соғлом тиш гўзаллик, саломатлик гарови, — дейди Раҳимахон. — Лекин ҳамма ҳам тиш парварлишига етарли эътибор бераяпти, деб айтолмайман. Нос чекиш, сигарета тутатишни ўзларига одат қилиб олган йигитлар таълиғина. Ёнқоқни тишда қашиқ одатланганлар ҳам топиллади. Нонушта, тушлик, кечки овқатлардан сўнг тишимизни махсус пасталар билан ювишга ҳафсала қиламизми? Ана шундан сўнг ошқозон ичак ва бошқа касалликларча ва дучор бўлиб, ўзимизга ортиқча ташиш ортираемиз. Шуларни ўйлайман одамларга: «Тишингизни асранг, тоза тутиш, авайланг, шундагина гўзал ва соғлом бўласиз, узоқ умр кўрасиз» дегим келаверади.

Раҳимахон ҳар кун қоронғи тушгунча ишлаб, ҳориб уйига қайтади. Одамларнинг: «Дўхтур опа, кўлингиз сира дард кўрмасин, муруд-мақсадингизга етинг, болаларингизнинг орзу-ҳавасини кўринг», деб унга миннатдорчилик билдиришларидан эса бир зумда нарчони унутилади.

**Т.УСМОНОВ**

**Биласизми?**

ни англлатуви ном излаш бора-бора сўзлаб, жумладан, шундай деган эди: «Хавонинг хозирга қадар номалум деб ҳисобланиб келган бу тури-

**СЎЗ ТАГИДА  
СЎЗ БОР**

ни янги ном билан «газ» деб атадим». Шундай қилиб «газ» сўзи пайдо бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида француз ҳарбий вазирилик ортиқ аскарлар учун янги кийим-бош формасини жорий этди. Аввалги тор шим ўрнига энди алоҳида бичимли кенг шим қийилди. Ана шундай янги формадаги кийимни биринчи мар-

та отлик аскарлар кўшини генерали Голифе кийиш шарафига муяссар бўлди. Гап шундаки, 1871 йили Коммунага қарши курашда алоҳида «хизмат кўрсатган» эди. Қотмадан келган, нимжон, кўримсиз бу генерал ҳарбий вазириликка хизматга ўтганидан кейин отлик аскарга гўё мардона кийфига киритувчи янги шим ўйлаб чиқарди. Кейин уни мажбурий форма тарзида барча отлик аскарларга кийдирилди.

Бора-бора генералнинг бу янгилиги кўларга маълум бўлиб, бир қанча мамлакатлардаги армияларда жорий этилди. «Галифе»ни фақат отлик аскарларгина эмас, балки бошқа турдаги кўшинларнинг аскарлари ҳам кия бошлашди.

**А.АЛИЕВ**

**ДЎППИДЎЗЛИК  
САНЪАТИ**

**Ўзбек халқи дўппидўзлик ҳунари билан ҳам машҳур. Амалий санъатнинг бу тури билан машғул бўлаётган касб эгалари қўлидан чиққан дўппилар рамзий бош кийим сифатида кенг оммалашган.**  
Ана шу кўҳна касбий санъат ривожига ҳақида хикоя қилувчи тўплам чоп этилди. «Ўзбекистон дўппилари» деб номланган мазкур китобдада дўппидўзлик санъати тарихига доир қизиқарли маълумотлар баён этилган. Андижон, Чуст, Марғилон, Фарғона, Қўқон дўппилари ҳамда уларнинг ноёб ускуналари, тикилиш хусусиятлари ҳам янги нашрларда ўз ифодасини топган.

«Ўзбекистон дўппилари» халқ амалий санъати тадқиқининг намунаси сифатида ҳам илмий-амалий аҳамият касб этади.

**А.АҚБАРОВ**

**Қуш уясида кўрганини қилади, деганлари бор гап. Лекин қуш уясида келмас-чи? Еки ахён-ахёнда, шунда ҳам бирор нарсанинг илнжиде қадам ранжиде қилса-чи?**

**Ибтидолавоқ жавоби аниқ бўлса-да, ҳамма ҳам оғинмай рию қилавермайдиган савол ўртага ташланган бежиз эмас. Ҳаётда нималар бўлмайди, бу бош не-не деворларга бориб урилмайди, дейсиз. Ваҳоланки, кўр ҳам, қар ҳам эмасмиз. Ақли-қўшимиздан нолийдиган жойимиз ҳам йўқ. Бирок...**

Бутун сир-синоат ана шу лекину бироқда-да...

Нормурод ака ўғли Баҳром дискотекада кимлар биландир муштлишди, милицияга тушиб қолганини эшитганида ажабланмади ҳам. Фақат бу хабардан эси кирадирли-чиркарли бўлган кўйи айвон устунига беҳолгина суяниб қолган хотинига ачинди. «Бир этакки-на эди, агар кўнглини кўтардиган сўз топиб айтмасам, енг учидан кириб чиқадиган бўлиб қолади, деган ўй ўтди ҳақлидан.

— Сен дорингни ичиб, дамингни олиб тур, — деди ғайритабиий босқилик билан, ичмини ит тирнаётганини билдирмасликка уришиб. — Мен Садир оғайнимникига ўтиб келай. Ҳар қалай орданда ишлайди. Бирор эвини топар.

У хотинига ёлғонлаганди. Мактабда ўн йил бир партада ўтирган синфдоши билан сан-манга бориб қолганига икки йилдан ошган, бунга ҳам аслида ўғли Баҳром сабабчи эди.

Бир кун Садир оғайниси кўнғироқ қилиб, учраш-сак деб қолди. Шу ҳафта охирида чойхонада ошлар борлиги учун Нормурод ака ҳайратланди.

— Нима бало, ўт кетди-ми? Яна уч кундан кейин учрашамиз-ку. Уша ерда бафуржа гаплашиб олсак бўлмайми?

— Йўқ, — деди кесиб Садир. — Сенга айтмоқчи бўлган гапим ўртага дастурхон қилиб ёзадиган қилидан эмас. Бу икковимизгагина тегишли.

— Бўлмаса, лаш-лушимни олиб, тўғри идорангга бора қолай.

Нормурод аканинг ҳазилдан оғайнисининг баттар жажли чикди.

— Жуда шуни истаётган бўлсанг, — деди жавобан Садир, — ўзинг учун овора

бўлиб юрма-да, ўғлингнинг нарсаларини бир чеккали қилиб қўй!

Оғайнисининг тутқоқанича бор экан. Буни икковлон учрашганларида билди. Баҳром бир-икки марта Садирнинг қизи Нигорани инсти-

тутдан қайтишда тўхташиб, анча-мунча бўлмағур гапларни айтибди.

— Кечқурун чиқсангиз, дискотекага бориб бир битларимизни тўкиб қайтардик, — деб қизни дугоналарининг олдида изза қилибди.

Бошқа кун эса, нега ноз-фириқ қилаётганини билдим, анови мишиқи билан ошиқ-маъшук ўйнашиб юрган экансан-да, бир мушт тушириб, бурнини текислаб қўймай яна, деб иззат-нафсига тегибди.

Нормурод ака ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Илло-билло бошқа бундай ҳол такрорланмайди, бемаъзанинг қулони ўзим бураб қўяман, деб сўз берди. Лекин шу кун ўғли қорасини кўрсатмади. Тўғрироғи, шу бадар кетганча уч кун деганда, гўё ҳеч нима бўлмагандек, мулойимгина бўлиб оқшом пайти кириб келди.

Ўғлингнинг соғ-омонлигини кўриб Нормурод аканинг қоронғу кўнглига чирок шуъласи тушгандек бўлди. Лекин оғайнисининг сўзлари ёдига тушиб, чекка томирларига қон тепди.

— Каерларда санғиб юрибсан, уйини тополмаган итга ўхшаб. Еки ота-она энди сенга керак бўлмай қолдимми?!

— Мана оқибати. Дискотекада қиз талашиб, жанжал чиқаргани учун олиб кетишибди. Нормурод ака энди ўғли ўзиники деб билган кўчада қандай бош қўтариб юради? Қумриниса ая-чи? Давраларининг тури уники эди. Нахотки, энди поймак-ни ҳам қўлларини беғиз қилиб кўрсатишса? Не-не оғзи коски оилалар куда бўлишга рози бўлиб, бир оғиз сўзини поймаб ўтиришган эди-я...

**Турмуш чорраҳаларида**

Эрининг қаттиқ-қаттиқ гапирётганини эшита солиб, Ошундан отилиб чиққан қумриниса ая ўғлига қўзи тушадир-ю севинчдан ёш болалардек қичқириб юбора-ёзди.

— Вой шумтақагинам-эй, тан-жонинг соеми, нима жин урди сени, йўқолиб кетдинг, — дея ўғлига талпинди.

То эри ҳовуридан тушгунча атайин ўглини ялаб-юл-қаб, одам деган ҳам бегона жойларда шунча вақт қоладими, дея пах-пахлаб ўтир-

Нормурод ака хотинини бироз тинчлантириш учун Садир оғайнисининг олдида боришини шунчаки айтган бўлса-да, ўйлаб-ўйлаб барибор унга учрашишга аҳд қилди.

Садир сўзсиз қўл олиб кўришди-да, ўтиришга жой кўрсатди. Худди болаликдаги каби «дим-дим» ўйнаётгандек индамайгина олдидаги қозғоларни анча вақтгача варақлаб ўтирди, охири ўзи ҳам дош беролмади чоғи, дан-ғалига кўчиб қўя қолди.

— Нормурод, Дўстим, энди биздан хафа бўлмайсан, — деди у. — Ўғлинг уришиб қолган йигит оғир аҳволда реанимацияда ётибди. Қоладими, йўқми, хозирча бир нарса дейиш қийин. Бундан ташқари, жанжалга сабаб бўлган қиз қаттиқ жароҳатланган. Терговчиларим у билан учрашишди. Қизнинг айтишича, ўғлинг зўравонлик қилиб қизни яхши кўрган йигитидан тортиб олмоқчи бўлган.

Нормурод ака сувга чўкаётиб қўлга интилгани сингари оғайнисининг оғзига тикилди. Садир гапни қиска қилди.

— Кечир, оғайни, бу ишда мен сенга ёрдам қилолмайман. Хафа бўлмайсан, қонунга, қолаверса виждонимга қарши боролмайман.

Нормурод ака жиққа терга ботиб кўчага чикди. У негадир хозир ўглини ўйламасди. Бутун фикри-зикри хотинида эди. Шўрлик, энди унинг холи не кечади? Мен-чи? Мен худого нима ёзган эдим? Қайси гуноҳларим учун бу жазо?

Кейин, бирдан фикри тиниклашиб, икки йил муқаддам Садир оғайнисига берган ваъдаси ёдига тушди. Ушанда у ўглини ти-ийиб қўйишга сўз берганди. Энди билса, ҳар бир ота учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлган оддий вази-фани бажармабди. Эҳ, атанг.

**З.РИХСИЕВ**

**ЭРТАКЛАР  
ТАНЛОВИ**

Ўзбек халқи ўзининг бой оғзаки ижоди намуналарига эга. Ана шу бебаҳо бадий мерос орасида эртақлар ҳам талайгина.

Халқ орасида айтиб юрилган эртақларни тўплаш ва уларни ёш китобхонлар орасида оммалаштириш мақсадида «Момсининг сандиги» деб номланган эртақлар танлови эълон қилинди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ташкил қилинган бу тадбир давомида 500 дан ортиқ эртақ келиб тушди. Шулардан 22 таси голиб деб топилди.

Бу фольклор асарлари намуналарини алоҳида тўплам ҳолида чоп этиш тараддуди қўрилмоқда. Китоб нашрдан чиққач, улар бепул тарзда болаларга тақдим этилади.

**ҲАЯЖОН ИЛА  
ТОМОША  
ҚИЛИШДИ**

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюқ ғалабанинг 60 йиллиги кенг нишонланди. Шу унутилмас санага бағишлаб янги экран асарлари ҳам юзага келди. «Ўзкин-охроника» студияси томонидан яратилган ҳужжатли фильм ҳам ўша уруш йиллари воқеалари ҳақида хикоя қилади. «Сиз хамиса ёдимиздасиз» деб номланган экран асари истеъдодли режиссёр Жасур Исоқов сценарийси асосида суратга олинди.

Янги экран асари ҳаяжон билан томоша қилинади. Томошбинлар Ўзбекистоннинг Буюқ ғалабага қўшган катта ҳиссасига оид лаҳзалар билан ҳам танишдилар.

**Н.ЙУЛДОШЕВА**

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қотибият мудир Шавкат Қодировга уқиси **ШУҲРАТХОННИНГ** бевақ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ISHONCH**  
**МУАССИС:**  
**Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Тахрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди -

Маъшумиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерида терилди ва сақифланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.